*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил 23 февраль ШАНБА

№ 15 (12.547)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Вилоят кенгаши сессияси

## БУГУННИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар гуруҳларининг вилоят бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раислари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари иштирок этди.**

**Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.**

Сессияда вилоятда қонунийликни таъминлашнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг бугунги аҳволи, ўрта-махсус касб-ҳунар коллежи талабаларини таълимга қамраб олиш ва битирувчиларини ўзлари эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишлар, шунингдек, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига ўрни бўшаб қолган 1-Ангрен (Ангрен шаҳар), 46-Қизғалдоқ (Зангиота тумани), 22-Ғазалкент (Бўстонлиқ тумани), 53-ЭскиТошкент (Чиноз тумани), 58-Ниёзбош (Янгийўл тумани) сайлов округларида ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги ахборотлар тингланди ва муҳокама этилди. Бундан ташқари ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ИШ ТЕЖАМЛИ, МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ

**Ўзбекистон металлургия комбинатида ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жалб этиш, модернизациялаш ва реконструкциялаш яхши самара бермоқда.**

Ўтган йили идишларни қуритиш печлари украиналик ҳамкорларнинг янги технологияси асосида таъмирланди. Эндиликда ушбу печларни қиздириш учун 1,5 ёки 2 соат кифоя қилмоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи жамоаси ҳар ойда 40 дан зиёд турдаги сирланган идишларни истеъмолчиларга етказиб беришмоқда.

Шунингдек, цех жамоаси катта миқдорда энергия ресурсларини тежашга эришмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

Қишлоқ мулкдорлари



## ЭНДИ НАВБАТ БАЛИҚЧИЛИККА

**Аксарият ташаббусу янгиликлар уринчоқ фермерлардан чиқади. Хотиржам, борига қаноат қиладиганларнинг хўжалиги ҳадеганда ривожланавермайди, кенгаймайди. Юқори чирчиқлик Шоир Ҳамидов фермер бўлганидан сўнг орадан беш йил ҳам ўтмай, пахта ҳосилини 40 центнерга, ғаллани 55 центнерга олиб чиқди.**

Юқори ҳосил мўмай даромад дегани ҳам. Салмоқли даромад орқасидан техникасини бутлаб бораяпти. МТЗ-82 ва Т28Х4 тракторлари устига лизинг йўли билан ТТЗ 80/10 ва ОВХ пуркагичи олаяпти. Аъзолари 12 киши эди, ҳозир яна уч ҳамқишлоғини доимий ишга қабул қилаяпти.

Фермер гап орасида яна алланарсалар ҳақида ўйлаб, бош қотириб юрганини айтиб ўтди. Қандоқ қилсаки, пахтачилик билан ғаллачилик қаторида балиқчиликни ҳам йўлга қўйса.

Яхши гап, яхши ният, албатта рўёбга чиқадиган орзу. Қанийди ҳамма фермерлар юрган-турганларида ҳам нималарнидир режалаштириб юришса. Вилоятимизда фермерлар кўп, аммо кўптармоқлилари кам. Балиқчиликка ихтисослашганлари эса бармоқ билан санарли.

– Агар шу мақсадимиз амалга ошиб, янги тармоқда ишлар юришиб кетса, у ёғига ҳам бўш келмасдик, – деди пировардида Шоир Ҳамидов. – Цех қурардик, ўзимиз етиштирган балиқлардан маҳсулотлар тайёрлаб, аҳолига етказиб берардик.

Беш йилнинг нари-берисида пахтачилик ва ғаллачиликда илғорлар қаторига чиқиб олган хўжаликнинг бу ишни ҳам эплашига шубҳа қилмаса бўлади.

**СУРАТДА:** фермер Шоир Ҳамидов (ўртада) қўшни фермерлар билан тажриба алмашмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

*Вилоят ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА УНДИРИЛАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2013 йил 7 январдаги 1, 2013-1-сонли "Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2412, 2012 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 3-сон, 37-модда) тасдиқланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят Молия (Д. Хажиев) ва Давлат солиқ (Д.Файзуллаев) бошқармалари таклифлари асосида бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар 1- ва 2-иловаларга мувофиқ, кўрсатиладиган хизматлар, бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан ҳамда бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг миқдорлари 3- ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш" Бош бошқармасининг Тошкент вилояти бўлими (в.б. Б. Топилов) бозорлар ва савдо комплекслари маъмуриятлари билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларидан тушадиган йиғимларни белгиланган тартибда тўлиқ ундирилишини таъминласинлар ҳамда бир марталик йиғим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, кўрсатиладиган мажбурий хизматларнинг тасдиқланган рўйхати ва қийматини бозорлар ва савдо комплексларига кириладиган барча жойларига осиб қўйсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш" Бош бошқармасининг Тошкент вилояти бўлими (в.б. Б. Топилов) бозорлар ва савдо комплекслари маъмуриятлари томонидан бозорларда ва савдо комплексларда бир марталик йиғимлар, кўрсатиладиган хизматлар, фойдаланганлик учун ижара тўловлари йиғим миқдорларини кўпайтириш эвазига тушадиган даромадларни Ўзбекистон Республикаси "Солиқ кодекси"да белгиланган тартибда йўналтирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин.

5. "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти (У. Абдушоҳидов)га вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғим ва кўрсатиладиган хизматларнинг 1, 2, 3 ва 4-иловалардаги янги миқдорларини матбуотда чоп этиш юклатилсин.

6. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2012 йил 20 мартдаги 52-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**

Тошкент шаҳри, 4 февраль, 2013 йил.

# Вилоят ҳаёти

Зангиота тумани

### ҲАМ ШИФОХОНА, ҲАМ САВДО МАРКАЗИ

**Эшонгузар шаҳарчасидаги "Зангиота-Юлдуз нури" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишни янада яхшилашдан ташқари ҳудудий ободонлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда.**

Шаҳарчада икки қаватли стоматология шифохонаси, уч қаватли савдо тармоғи қурилмоқда. Улар фойдаланишга топширилгач, ўнга яқин янги иш ўринлари очилади.

**Зилола АЛИЕВА.**

Паркент тумани

**Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан марказий маданият уйида семинар ташкил этилди.**

### ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Вилоят туманлари маданият уйлари вакиллари иштирок этган анжуманда 2013 йилга мўлжалланган маданий-оммавий тадбирлар юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, иштирокчилар кун тартибидаги масала юзасидан фикр-мулоҳаза билдириб, тажриба алмашишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Пискент тумани

### ҲАМКОРЛИК

**4-умумтаълим мактабида маҳалла, оила, таълим муассасаси ҳамкорлигида тадбир уюштирилди. Унда «Бекобод», «Майлобод», «Мўминобод» маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, шифокорлар, ИИБ ходимлари иштирок этди.**

Сўз олганлар маҳаллада ва оилада маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар ажралишига йўл қўймаслик ҳақида фикр билдирдилар. Шунингдек, диний экстремизм, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш хусусида сўз борди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

## ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ: ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

**Мамлакатимизда ҳар бир йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш эзгу анъанага айланган. Долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, йил давомида амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнга инвестициялар ажратишда нафақат давлат, балки нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муайян даврда бажарилиши белгиланган вазифаларни юксак самаралар билан амалга ошириш имконини беради. Айни пайтда истиқболдаги бир неча йил учун замин яратиб, ривожланиш йўналишларини белгилаб олишга кўмаклашади. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг янада равнақ топишига хизмат қилади.**

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни Обод турмуш йили, деб эълон қилди.

Ушбу эзгу мақсадлар "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилада ва, умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Дастурда режалаштирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатнашишини тақозо этади. Уларни бажарадиган муайян ижрочилар – тегишли вазирлик ва идоралар, амалга ошириладиган тадбирларнинг ижро муддатлари, молиялаш манбалари, мониторинг тизими, қонуний-ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий механизмлари белгиланган.

Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараённи таъминлаш мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилидир.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг шаклланган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш энг муҳим вазифалардандир. Давлат дастурида тўртта қонун – Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, ёшларни ишга жойлаштириш шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, "Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари муттасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишларидандир. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади.

Дастурда янги ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини қуриш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. 2013 йилда, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда касаначиликни барқарор ривожлантириш ҳисобидан 970 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ тижорат банклари томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандчиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш режалаштирилган. Жорий йилда бундай кредитларнинг умумий ҳажми 269,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Дастурда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, ҳудудий корхоналарни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб этиш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш, узумчилик, чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Қайта ишлаш ҳажмлари, жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги учун замонавий мини-технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўпайтирилади.

"Электрон ҳукумат" тизимини жадал шакллантириш ҳам муҳим ва долзарб вазифадир. Интернет тармоғида "бир дарча" режимида фаолият юритадиган интерфаол давлат хизматлари ягона порталини яратиш мўлжалланган бўлиб, бу иқтисодий фаолият субъектлари ва бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини сезиларли даражада соддалаштириш имконини беради.

2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, хасталикларнинг олдини олишни кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор технология ва услубларини жорий этиш, пировард натижада фуқаролар, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Чекка жойлардаги аҳоли пунктларида 32 қишлоқ врачлик пунктини барпо этиш, 54 тиббиёт бирлашмасини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, 11 вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси, шунингдек, 13 вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади.

*(Давоми 2-бетда).*

# ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ: ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш – изчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир. Шу мақсадда жорий йил Давлат дастурида жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш, таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 умумтаълим мактабини, 159 академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини капитал таъмирлаш, 55 мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 116 болалар спорти объектини, олий таълим муассасалари тизимидаги 45 иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланади. Шу билан бирга, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ушбу жараённинг маънавий-ахлоқий жиҳатига эътибор қаратиш, уларда миллий ғурур, ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишлар доирасида 2013 йилда ёшларнинг касбий кўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари фаолият кўрсатади, болалар ҳамда ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш янада юқори даражага кўтарилади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар-жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 2013 йилда 553 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилади, мамлакатимиз аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сув, газ ва канализация хизматлари, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади, минглаб километр янги юқори вольтли электр узатиш линиялари, сув чиқариш ҳамда газ тақсимлаш тармоқлари объектлари барпо этилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.

Дастурда замонавий йўллар, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш, шунингдек, қишлоқ жойларда узунлиги 239,1 километр бўлган янги, туташган автомобиль йўлларини барпо этиш, шаҳарларда янги кўчалар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Маҳалла халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан 2013 йилги Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ва турар жой массивларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган.

Маҳаллаларнинг қиёфасини янада яхшилаш, уйларнинг олд қисми ва томларини, кўчалар ва йўлакларни таъмирлаш, болалар спорт майдончаларини қуриш, энергия тежовчи технологияларни қўллаш орқали ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш, санитария шароитларини яхшилаш ҳам дастурда белгиланган вазифалар сирасига киради. Маҳаллалар ҳудудларида 15 миллион туп манзарали ва 29,5 миллион туп мевали дарахт ниҳоллари, шунингдек, 10 миллион туп гул ҳамда буталар экиш кўзда тутилган. 2013 йилда маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқда экологик турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш орқали қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича "Обод уйим" лойиҳаси амалга оширилади.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни аниқ манзилли асосда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар истиқболда ҳам изчиллик билан амалга оширилади.

Маҳаллаларда йил давомида халқимизга хос тинчлик-осойишталикка интилиш, меҳр-мурувват, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш каби қадриятларни тарғиб этадиган маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилади.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар бандлигини таъминлаш ва фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ҳамда уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича бажарилаётган ишлар янада ривожлантирилади.

Хусусан, Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида "Ёш оилалар учун турар жой" дастурини, имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда "Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳаси рўёбга чиқарилади.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шуниң 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтларининг маблағлари ва грантлар жалб этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳарларда "Обод турмуш йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилади. Уларнинг вазифалари Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бажаришдан иборатдир.

Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси зиммасига давлат ва хўжалик бошқарувининг республика органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг унда белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажаришига доир ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Мухтасар айтганда, "Обод турмуш йили" Давлат дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муҳим йўналишларини қамраб олган. Унинг самарали амалга оширилиши эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириши, мамлакатимиз равнақини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўқув-машғулот

# МАҲАЛЛА КУЧИ БЕҚИЁС

**Тошкент давлат аграр университетда ташкил этилган икки кунлик ўқув-машғулотларида "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, сиёсатшунос ва иқтисодчилар, жамоат арбоблари иштирок этишди.**



Иштирокчилар "Маҳалла" фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари олдидаги давлатимиз раҳбарининг кейинги фармон ва қарорларидан келиб чиқувчи долзарб ва устувор вазифаларни муҳокама қилдилар. Таъкидландики, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ҳудудларни ободонлаштириш, туманни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг кенг кўламли лойиҳаларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қулай шарт-шароитлар яратиб бериш орқали янги иш ўринлари очишда беқиёс ваколатлар берилган.

Шуниси қувонарлики, бугун маҳаллаларда турли мулк шаклида кўплаб янги корхоналар барпо этилмоқда, халқ ҳунармандчилиги ва касаначилик жадал ривожланмоқда, имконияти чекланган, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдек муҳим масалалар изчил ҳал этилмоқда. Оилавий спортни ривожлантириш, диний экстремизмнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мунтазам уюштирилмоқда. "Маҳаллам тарихини ўрганаман", "Маҳалламиз полвонлари", "Футболимиз келажаги" танловлари ўтказилмоқда. Фан ва маданият арбоблари, таниқли ва обрўли юртдошларимиз билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

– Бундай ўқув-машғулотларда қатнашиш ҳамкасблар билан эртанги вазифаларни муҳокама қилиш, янги режалар тузиш имконини беради, – дейди "Маҳалла" фондининг Ангрен бўлими раиси Отабек Аноров. – Биз давр билан ҳамқадам бўлмоғимиз лозим. Зеро, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти йил сайин такомиллашиб бормоқда.

**Еркебой БОТИРОВ**
**олган сурат.**

# Вилоят ҳокимининг 2013 йил 4 февралдаги Тошкент вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисидаги қарорига иловалар

**1-илова**

Вилоят ҳудудидаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғим тўловлари миқдори

| № | Маҳсулот турлари | Бир савдо ўрни сатҳи (м) | Тўловлар миқдори (сўм) | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Вилоят шаҳарларида | Вилоят туманларида |
| 1 | Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш | 1,5 | 6500 | 6000 |
| 2 | Миллий нон ва нон маҳсулотлари сотиш | 1,0 | 4000 | 3500 |
| 3 | Салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиш | 1,5 | 6000 | 5000 |
| 4 | Ҳар хил миллий таомлар ва пишириқлар тайёрлаб сотиш (хасип, хоним, тандир сомса, кабоб ва бошқалар) | 1,5 | 7500 | 6000 |
| 5 | Супурги сотиш | 1,0 | 3500 | 3000 |
| 6 | Халқ табобати ўсимликларини сотиш | 1 | 3000 | 2500 |
| 7 | Гуллар сотиш | 1,2 | 5000 | 4000 |
| 8 | Тувак гуллари сотиш | 1,2 | 3000 | 2500 |
| 9 | Кўчатлар сотиш | 1,5 | 5000 | 5000 |
| 10 | Картошка сотиш | 1 | 3500 | 3000 |
| 11 | Сабзавотлар сотиш | 1 | 3500 | 3000 |
| 12 | Кўкатлар сотиш | 1 | 2500 | 2500 |
| 13 | Сут ва сут маҳсулотлари сотиш | 1 | 4000 | 3500 |
| 14 | Қаймоқ сотиш | 1 | 5000 | 4500 |
| 15 | Дуккакли донлар сотиш | 1 | 4000 | 4000 |
| 16 | Донлар сотиш | 1 | 4000 | 4000 |
| 17 | Гуруч сотиш | 1 | 6000 | 5500 |
| 18 | Ҳўл мевалар сотиш | 1 | 5500 | 4500 |
| 19 | Қуруқ мевалар сотиш | 1 | 8000 | 6500 |
| 20 | Полиз маҳсулотлари (ажратилган жойда) | 1 кв.м | 1000 | 800 |
| 21 | Цитрус маҳсулотлари сотиш | 1 | 7500 | 7500 |
| 22 | Теплица маҳсулотлари сотиш | 1 | 6000 | 5500 |
| 23 | Гўшт маҳсулотлари сотиш | 1 | 12000 | 10000 |
| 24 | Тухум сотиш | 1 | 3500 | 3000 |
| 25 | Зиравор ва доривορлар сотиш | 1 | 4500 | 3800 |
| 26 | Тузлама ва салатлар сотиш | 1 | 4500 | 3800 |
| 27 | Асал сотиш | 1 | 7000 | 6500 |
| 28 | Махсус ажратилган жойларда юк машинасидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш | Бир кунга | 15000 | 15000 |
| 29 | Махсус ажратилган жойларда енгил машинадан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш | Бир кунга | 9500 | 8500 |
| 30 | Тирик парранда сотиш (ҳар донасидан) | донаси | 800 | 800 |
| 31 | Жўжалар сотиш (ҳар 10 тасидан) | донаси | 750 | 750 |
| 32 | Балиқ ва балиқ маҳсулотлари сотиш | 1 | 9500 | 9000 |
| 33 | Қорамол ва отлар сотиш (ҳар бошидан) | | 12000 | 12000 |
| | Сигир ва от, 2 ойгача бўлган эмизикли боласи билан (ҳар бошидан) | | 15000 | 15000 |
| | Чўчқа (ҳар бошидан) | | 9000 | 9000 |
| | Бузоқ, тойчоқ ва эшак (ҳар бошидан) | | 9000 | 9000 |
| | Қўй ва эчкилар (ҳар бошидан) | | 6000 | 6000 |
| | Чўчқа боласи (ҳар бошидан) | | 4000 | 4000 |
| | Қўзи ва улоқлар (ҳар бошидан) | | 5000 | 5000 |
| 34 | Чорва моллари бозорларида эгар, арқон, юган, ҳалқа, тақа ва бошқалар сотиш | 1,2 м | 5000 | 5000 |
| 35 | Сомон, хашак ва пичан сотувчилардан | машинаси | 15000 | 15000 |
| 36 | Носвой ва тамаки сотиш | 1 | 4500 | 4000 |
| 37 | Лотерея сотиш | 1 | 2000 | 2000 |
| 38 | Газета ва журналлар сотиш | 1 | 2000 | 2000 |
| 39 | Калла-поча, қорин, ичак ва бошқалар | 1 | 5500 | 5000 |
| 40 | Ем маҳсулотлари сотиш | 1 кв.м.у-н | 2000 | 2000 |
| 41 | Қулупнай сотиш | 1 | 4500 | 4000 |
| 42 | Стаканлаб ерёнғоқ ва писта сотиш | 1 | 2500 | 2000 |
| 43 | Полиэтилен ва қоғоз пакетлар сотиш | 1 | 3000 | 3000 |
| 44 | Эски, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари | 1,2 | 2500 | 2000 |
| 45 | Эски автомобиль эҳтиёт қисмлари | 1,2 | 6000 | 5000 |
| 46 | Мебель ва уй жиҳозларини сотиш | 3x5 | 10000 | 8000 |
| 47 | Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги турғун савдо шохобчаларидан | 1 кв.м. у-н | 1200 | 1000 |
| 48 | Бўстонлиқ тумани деҳқон бозори ҳудудидаги гўшт, тухум павильонида: | | | |
| | - гўшт маҳсулоти (музлаткичда) | 2,5 м.гача | | 15000 |
| | - тухум маҳсулоти (музлаткичда) | 2,5 м.гача | | 7500 |
| | Чиноз туман савдо комплексдаги турғун савдо шахобчаларидан | 1 кв.м.у-н | | 850 |
| | Ангрен шаҳар деҳқон бозорининг озиқ-овқат павильонидаги турғун савдо шахобчаларидан | 1 кв.м.у-н | 900 | |

Вилоят савдо комплексларида бир марталик йиғим тўловлари миқдори

| № | Савдо комплекслар номи | Савдо фаолияти ва хизмат кўрсатиш тури | Битта савдо ўрни сатҳи (кв.м) | Тўлов миқдори (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | "Зангиота туман хўжалик моллари" | Турғун савдо шохобчаларидан | ҳар 1кв.м.дан | 850 |
| | | Омборхоналардан | ҳар 1кв.м.га | 450 |
| 2 | "Эшонгузар" филиали | Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиш | 1,5 м | 4500 |
| 3 | Зангиота туман "Илм шуъласи" | Турғун савдо шохобчаси | ҳар 1кв.м.га | 850 |
| | | Омборхоналардан | ҳар 1кв.м.га | 350 |
| 4 | "Ҳасанбой" савдо комплекси | Турғун савдо шохобчасидан | ҳар 1кв.м.га | 800 |
| | | Қурилиш моллари | 50 кв.м.гача | 13000 |
| | | Карбид, электрод, мих, сантехника | 3 кв.м.гача | 6500 |
| | | Контейнерлардан омборхона сифатида фойдаланиш учун | 1 кв.м.га | 400 |
| | | Бостирмалар тагида омборхона сифатида фойдаланиш у-н | 1 кв.м.га | 300 |
| 5 | "Сазоворсавдо" савдо комплекси | Тўсин (кругляк) | 120 кв.м.гача | 15000 |
| | | | 60 кв.м.гача | 7500 |
| | | Карбит, электрод, лак буёқлар | 3 кв.м.гача | 6500 |
| | | Бошқа қурилиш моллари | 50 кв.м.гача | 13000 |
| | | Бозор ҳудудида бўш бўлган майдонда қурилиш маҳсулотларини сақлаш учун | 120 кв.м.гача | 10000 |
| 6 | "Тож Ялло" савдо комплекси | Ишлатилган қурилиш моллари | 50 кв.м.гача | 7500 |
| | | Карбид, электрод, мих | 3 кв.м.гача | 6500 |
| | | Бошқа қурилиш моллари | 50 кв.м.гача | 13000 |
| 7 | Вилоят бозорлари ва савдо комплексларида | Автоуловда сочилувчан маҳаллий хом ашёларни сотиш (қум, шағал, шебень, ғишт, тупроқ. гўнг, ўтин, ёғоч, шох-шаббалар ва бошқалар) | 5 тон.гача бўлган юк ав.маш. | 7000 |
| | | | 5 тон.дан юқори бўлган юк ав.маш. | 9000 |

Вилоят деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларидан ундириладиган тўловлар миқдори

| Вилоят туман ва шаҳар бозорлари ва савдо комплексларида | Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорлар ҳудудида жойлашган турғун савдо шохобчалари (савдо павильонлари) учун, шунингдек, асосланмаган сабаблар билан фаолият кўрсатмай турган турғун савдо шохобчаларидан бозорлар инфратузилмалари учун **мулк мулк ҳуқуқи** асосида тегишли бўлганда | Бозорларни ривожлантириш ва ободонлаштириш учун ҳар ойда савдо шохобчасининг эгаллаб турган ер майдони сатҳидан келиб чиққан ҳолда (ер ижараси қўшиб ҳисобланганда), бир ойда бир маротаба ҳар бир квадрат метр ер майдони учун ундириш | Тўловлар миқдори (сўм) | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Вилоят шаҳарларида | Вилоят туманларида |
| | | | 4800 | 3200 |

| Вилоят туман ва шаҳар бозорлари ва савдо комплексларида | Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорлар ҳудудида жойлашган турғун савдо шохобчалари (савдо павильонлари) учун, шунингдек, асосланмаган сабаблар билан фаолият кўрсатмай турган турғун савдо шохобчаларидан бозорлар инфратузилмалари учун **ер ва мулк мулк ҳуқуқи** асосида тегишли бўлганда | Бозорларни ривожлантириш ва ободонлаштириш учун ҳар ойда савдо шохобчасининг эгаллаб турган ер майдони сатҳидан келиб чиққан ҳолда (ер ижараси қўшиб ҳисобланганда), бир ойда бир маротаба ҳар бир квадрат метр ер майдони учун ундириш | Тўловлар миқдори (сўм) | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Вилоят шаҳарларида | Вилоят туманларида |
| | | | 2200 | 2000 |

Изоҳ;
1. Сотувчилар томонидан белгиланган савдо ўрнидан ошиқ бўлган жойга, яъни иккинчи жой учун – тўлиқ ҳақ ундирилади.
2. Бир сотувчи томонидан бир неча хил маҳсулотлар сотилса, бир марталик йиғим тўлови энг юқори маҳсулот турига белгиланган бир марталик йиғим тўловлари миқдорида ундирилади.

**2-илова**

Янгийўл ихтисослашган деҳқон бозори ва савдо комплексида ундириладиган бир марталик йиғим тўловлари миқдори

| № | Маҳсулот турлари | Бир савдо ўрни сатҳи (м) | Тўловлар миқдори (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1 | Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш | 1,5 | 6500 |
| 2 | Миллий нон ва нон маҳсулотлари сотиш | 1 | 4000 |
| 3 | Салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиш | 1,5 | 6000 |
| 4 | Ҳар хил миллий таомлар ва пишириқлар тайёрлаб сотиш (хасип, хоним, тандир сомса, кабоб ва бошқалар) | 1,5 | 7500 |
| 5 | Супурги сотиш | 1 | 3500 |
| 6 | Халқ табобати ўсимликларини сотиш | 1 | 3000 |
| 7 | Гуллар сотиш | 1,2 | 5000 |
| 8 | Тувак гуллари сотиш | 1,2 | 3000 |
| 9 | Кўчатлар сотиш | 1,5 | 5000 |
| 10 | Картошка сотиш | 1 | 3500 |
| 11 | Сабзавотлар сотиш | 1 | 3500 |
| 12 | Кўкатлар сотиш | 1 | 2500 |
| 13 | Сут ва сут маҳсулотлари сотиш | 1 | 4000 |
| 14 | Қаймоқ сотиш | 1 | 5000 |
| 15 | Дуккакли донлар сотиш | 1 | 4000 |
| 16 | Донлар сотиш | 1 | 4000 |
| 17 | Гуруч сотиш | 1 | 6000 |
| 18 | Ҳўл мевалар сотиш | 1 | 5500 |
| 19 | Қуруқ мевалар сотиш | 1 | 8000 |
| 20 | Полиз маҳсулотлари (ажратилган жойда) | 1 кв.м | 1000 |
| 21 | Цитрус маҳсулотлари сотиш | 1 | 7500 |
| 22 | Теплица маҳсулотлари сотиш | 1 | 6000 |
| 23 | Гўшт маҳсулотлари сотиш | 1 | 12000 |
| 24 | Тухум сотиш | 1 | 3500 |
| 25 | Зиравор ва доривορлар сотиш | 1 | 4500 |
| 26 | Тузлама ва салатлар сотиш | 1 | 4500 |
| 27 | Асал сотиш | 1 | 7000 |
| 28 | Махсус ажратилган жойларда юк машинасидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш | Бир кунга | 15000 |
| 29 | Махсус ажратилган жойларда енгил машинадан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш | Бир кунга | 9500 |
| 30 | Тирик парранда сотиш (ҳар донасидан) | донаси | 800 |
| 31 | Жўжалар сотиш (ҳар 10 тасидан) | донаси | 750 |
| 32 | Балиқ ва балиқ маҳсулотлари сотиш | 1 | 9500 |
| 33 | Қора мол ва отлар сотиш (ҳар бошидан) | | 12000 |
| | Сигир ва от, 2 ойгача бўлган эмизикли боласи билан (ҳар бошидан) | | 15000 |
| | Чўчқа (ҳар бошидан) | | 9000 |
| | Бузоқ, тойчоқ ва эшак (ҳар бошидан) | | 9000 |
| | Қўй ва эчкилар (ҳар бошидан) | | 6000 |
| | Чўчқа боласи (ҳар бошидан) | | 4000 |
| | Қўзи ва улоқлар (ҳар бошидан) | | 5000 |
| 34 | Чорва моллари бозорларида эгар, арқон, юган, ҳалқа, тақа ва бошқалар сотиш | 1,2 м | 5000 |
| 35 | Сомон, хашак ва пичан сотувчилардан | машин. | 15000 |
| 36 | Носвой ва тамаки сотиш | 1 | 4500 |
| 37 | Лотерея сотиш | 1 | 2000 |
| 38 | Газета ва журналлар сотиш | 1 | 2000 |
| 39 | Калла-поча, қорин, ичак ва бошқалар | 1 | 5500 |
| 40 | Ем маҳсулотлари сотиш | 1кв.м. | 2000 |
| 41 | Қулупнай сотиш | 1 | 4500 |
| 42 | Стаканлаб ерёнғоқ ва писта сотиш | 1 | 2500 |
| 43 | Полиэтилен ва қоғоз пакетлар сотиш | 1 | 3000 |
| 44 | Эски кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари | 1,2 | 2500 |
| 45 | Эски автомобиль эҳтиёт қисмлари | 1,2 | 6000 |
| 46 | Мебель ва уй жиҳозлари сотиш | 3 x 5 | 10000 |
| 47 | Бозор ва савдо комплекси балансидаги турғун савдо шохобчаларини ижрага беришда | 1кв.м. | 1200 |
| 48 | Деҳқон бозори ҳудудидаги икки қаватли савдо павильонининг иккинчи қаватидаги турғун савдо шохобчаларидан | 1кв.м. | 500 |
| 49 | Савдо комплекси ёпиқ павильони ичидаги 38 та турғун савдо шохобчаларидан | 1кв.м. | 500 |

Янгийўл ихтисослашган деҳқон бозори ва савдо комплекси ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларидан ундириладиган тўловлари миқдори

| Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорлар ҳудудида жойлашган турғун савдо шохобчалари (савдо павильонлари) учун, шунингдек, асосланмаган сабаблар билан фаолият кўрсатмай турган турғун савдо шохобчаларидан бозорлар инфратузилмалари **учун мулк мулк ҳуқуқи** асосида тегишли бўлганда | Бозорларни ривожлантириш ва ободонлаштириш учун ҳар ойда савдо шохобчасининг эгаллаб турган ер майдони сатҳидан келиб чиққан ҳолда (ер ижараси қўшиб ҳисобланганда), бир ойда бир маротаба ҳар бир квадрат метр ер майдони учун ундириш | Тўловлар миқдори (сўм) 4800 |
|---|---|---|
| Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорлар ҳудудида жойлашган турғун савдо шохобчалари (савдо павильонлари) учун, шунингдек, асосланмаган сабаблар билан фаолият кўрсатмай турган турғун савдо шохобчаларидан бозорлар инфратузилмалари учун **ер ва мулк мулк ҳуқуқи** асосида тегишли бўлганда | Бозорларни ривожлантириш ва ободонлаштириш учун ҳар ойда савдо шохобчасининг эгаллаб турган ер майдони сатҳидан келиб чиққан ҳолда (ер ижараси қўшиб ҳисобланганда), бир ойда бир маротаба ҳар бир квадрат метр ер майдони учун ундириш | Тўловлар миқдори (сўм) 2200 |

Изоҳ;
1. Сотувчилар томонидан белгиланган савдо ўрнидан ошиқ бўлган жойга, яъни иккинчи жой учун – тўлиқ ҳақ ундирилади.
2. Бир сотувчи томонидан бир неча хил маҳсулотлар сотилса, бир марталик йиғим тўлови энг юқори маҳсулот турига белгиланган бир марталик йиғим тўловлари миқдорида ундирилади.

**3-илова**

Вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари миқдори

| № | Кўрсатиладиган пуллик хизмат турлари | Хизмат ҳақлари (сўм) | |
|---|---|---|---|
| | | Вилоят шаҳарларида | Вилоят туманларида |
| 1 | Гўшт чопиб бериш (ҳар бир кг.дан) | 250 | 250 |
| 2 | Гўшт чопиб сотиш учун керак бўладиган анжомлар бериш учун (тарози, болта, пичоқ ва бошқалар) (1кунга) | 1300 | 1300 |
| 3 | Кирага бериш учун тарози ва тошлар | 1500 | 1500 |
| 4 | Контейнер учун (мева, сабзавотлар учун қўл араваси) | 1000 | 600 |
| 5 | Брезент (мева, сабзавотларни ёпиш учун – бир кунга) | 1000 | 800 |
| 6 | Товар тарозида маҳсулот тортиб бериш учун (бир маротаба тортиб бериш) | 600 | 500 |
| 7 | Савдо жиҳозлари (патнис, сават, пичоқ, воронка ва бошқалар)ни ижарага бериш у-н | 1000 | 600 |
| 8 | Махсус уст-бош билан таъминлаш учун (бир кунга): - халат | 400 | 400 |
| | - этак, енглик | 400 | 300 |
| 9 | Қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун бир кунга: | | |
| | - совутгичларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун) 1 кунга | 1700 | 1700 |
| | - омборларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун) 1 кунга | 1200 | 1200 |
| | бозор ҳудудидаги раста ва очиқ жойларда (савдо ўрни ҳисобида) 1 кунга | 1500 | 1500 |
| 10 | Автомашиналар тўхтайдиган жой учун: | | |
| | - юк машиналаридан ( 1 соатгача) | 2000 | 1800 |
| | (2 соатгача) | 2500 | 2400 |
| | (2 ва ундан ортиқ соатгача) | 3500 | 3400 |
| | - енгил автомашиналаридан (1 соатгача) | 1500 | 1500 |
| | (2 соатгача) | 2200 | 2000 |
| | (2 ва ундан ортиқ соатгача) | 3000 | 2600 |
| | - от, эшак араваларидан (1 соатгача) | 300 | 300 |
| | (2 соатгача) | 500 | 400 |
| | (2 ва ундан ортиқ соатгача) | 700 | 700 |
| 11 | Карвонсаройдан фойдаланиш (бир кунга) | | |
| | - йирик молларга | 2000 | 2000 |
| | - майда молларга | 1000 | 1000 |
| 12 | Автомашина, от ва эшак аравалар бир маротаба бозорга кириб чиқиши учун (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган автомашиналардан ҳақ ундирилмайди): | | |
| | - юк автомашинаси | 4000 | 3500 |
| | - енгил автомашина | 2500 | 2000 |
| | - от ва эшак аравалар | 700 | 700 |
| | - мотороллерлар | 700 | 700 |
| 13. | Бозорларга бириктирилган ер майдонларида автомобилларни вақтинчалик сақлаш учун (парковка): | 800 | 800 |
| 14. | Меҳмонхонадан бир кеча-кундуз фойдаланиш учун | 4000 | 4000 |
| 15 | Ҳожатхона хизмати учун | 300 | 300 |
| 16 | Қушхоналар хизмати учун ҳар бошдан: | | |
| | - йирик моллар учун | 10000 | 10000 |
| | - майда моллар учун | 6000 | 6000 |
| 17 | Кийим-кечак кийиб кўриш хонасидан фойдаланиш | 400 | 300 |
| 18 | Телефондан фойдаланиш | 300 | 300 |
| 19 | Бозорда араваларда кўрсатилган хизмат учун бир кунга | 7000 | 6500 |
| 20 | Пойабзал таъмирлаш учун | 1500 | 1200 |
| 21 | Пичоқ, болта, арра чархлаш учун | 1500 | 1200 |
| 22 | Автотарозида бир марта тортиб бериш у-н | 2500 | 2000 |
| 23 | Радиоузель орқали эълон бериш (3 марта такрор) | 300 | 300 |
| 24 | Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланилгани у-н (1кв.м.) 1 кунга | 1000 | 850 |

**4-илова**

Янгийўл ихтисослашган деҳқон бозори ва савдо комплексида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари миқдори

| № | Кўрсатиладиган пуллик хизмат турлари | Хизмат ҳақлари, сўм |
|---|---|---|
| 1. | Гўшт чопиб бериш (ҳар бир кг.дан) | 250 |
| 2. | Гўшт чопиб сотиш учун керак бўладиган анжомлар бериш учун (тарози, болта, пичоқ ва бошқалар) (1кунга) | 1300 |
| 3. | Кирага бериш учун тарози ва тошлар | 1500 |
| 4. | Контейнер учун (мева, сабзавотлар учун қўл араваси) | 1000 |
| 5. | Брезент (мева, сабзавотларни ёпиш учун – бир кунга) | 1000 |
| 6. | Товар тарозида маҳсулот тортиб бериш учун (бир маротаба тортиб бериш) | 600 |
| 7 | Савдо жиҳозлари (патнис, сават, пичоқ, воронка ва бошқалар)ни ижарага бериш у-н | 1000 |
| 8 | Махсус уст-бош билан таъминлаш (бир кунга) | |
| | - халат | 400 |
| | - этак, енглик | 400 |
| 9. | Қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун бир кунга: | |
| | - совутгичларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун) 1 кунга | 1700 |
| | - омборларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун) 1 кунга | 1200 |
| | бозор ҳудудидаги раста ва очиқ жойларда (савдо ўрни ҳисобида) 1 кунга | 1500 |
| 10. | Автомашиналар тўхтайдиган жой учун: | |
| | - юк машиналаридан (1 соатгача) | 2000 |
| | (2 соатгача) | 2500 |
| | (2 ва ундан ортиқ соатгача) | 3500 |
| | - енгил автомашиналардан (1 соатгача) | 1500 |
| | (2 соатгача) | 2200 |
| | (2 ва ундан ортиқ соатгача) | 3000 |
| | - от, эшак араваларидан (1 соатгача) | 300 |
| | (2 соатгача ) | 500 |
| | (2 ва ундан ортиқ соатгача) | 700 |
| 11 | Карвонсаройдан фойдаланиш учун - бир кунга: | |
| | - йирик молларга | 2000 |
| | - майда молларга | 1000 |
| 12 | Автомашина, от ва эшак аравалар бир маротаба бозорга кириб чиқиши учун (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган автомашиналардан ҳақ ундирилмайди) : | |
| | - юк автомашинаси | 4000 |
| | - енгил автомашина | 2500 |
| | - от ва эшак аравалар | 700 |
| | - мотороллерлар | 700 |
| 13 | Бозорларга бириктирилган ер майдонларида автомобилларни вақтинчалик сақлаш учун (парковка): | 800 |
| 14 | Меҳмонхонадан бир кеча-кундуз фойдаланиш учун | 4000 |
| 15 | Ҳожатхона хизмати учун | 300 |
| 16 | Қушхоналар хизмати учун ҳар бошдан: | |
| | - йирик моллар учун | 10000 |
| | - майда моллар учун | 6000 |
| 17 | Кийим-кечак кийиб кўриш хонасидан фойдаланиш | 400 |
| 18 | Телефондан фойдаланиш | 300 |
| 19 | Бозорда араваларда кўрсатилган хизмат учун бир кунга | 7000 |
| 20 | Пойабзал таъмирлаш учун | 1500 |
| 21 | Пичоқ, болта, арра чархлаш учун | 1500 |
| 22 | Автотарозида бир марта тортиб бериш учун | 2500 |
| 23 | Радиоузель орқали эълон бериш (3 марта такрор) | 300 |
| 24 | Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланилгани у-н (1кв.м.) 1 кунга | 1000 |

ЭСЛАТМА: нон, сут, гўшт, пиширилган озиқ-овқат ва кондитер маҳсулотларини сотувчилар махсус уст-бош кийимларидан фойдаланиши мажбурийдир.

Ҳаёт сўқмоқлари

# БАХИЛНИНГ БОҒИ...



"Бахил иложини топса, ойни ҳам пуфлаб ўчиради" деган гапни эшитганмисиз? Қўйиб берса, бахиллар ойнинг ёруғини ҳам қизғанармиш. Шунинг учун кўпинча бахил, зиқна, қизғанчиқ одамларни яккалатиб қўйишади, ҳамтовоқ ва ҳамсуҳбат бўлмай, тўй-ҳашамларга айтмай, улардан нарироқ юришади.

Болалик уйда сир ётмаслигини биласиз. Улар оила муҳитининг очиқ кўзгусидир. Лазиза Азизанинг қўғирчоғини сўраса, бермади. Ҳатто, дугонаси ҳаваси келиб қараб турса ҳам, кўрмасин, деб орқасини ўгириб олди. Билдимки, бу қиз нафақат қизғанчиқ, ҳатто бахил ҳам!.. Ўйинчоғидан ўртоғининг қувонишига қарши.

Қизалоқнинг бу қилиғи болалигимни ёдимга солди. Имтиҳонларга тайёрланиш баҳонасида дугонамникига боргандим. Эшик тақиллаб, бир онахон "Кўйлак оласизларми?" деб келди. Дугонам кўйлакларнинг унисини кийиб, бунисининг чокларини обдон текшириб, ниҳоят онасига биттасини олдирди ва сотувчига: "Сиз кўча бошидаги анови уйларга кирманг, агар уларга ҳам кўйлак сотсангиз, мен олганимни қайтариб бераман" деди. Нега ундай қилдинг десам, "мен кийган кўйлакдан кўчамиздаги қизлар ҳам кийишини хоҳламайман" деди. Беихтиёр дугонамдан ихлосим қайтди. Ундайлар бирор нарсани ўзгаларга раво кўрмайдилар, аммо бошқаларнинг сахийликларини кўролмайдилар.

Бахиллар ўлган-тирилганларига қарамай, мол-дунё йиғишлари мумкин. Аммо вақт келиб, мол-мулклари ўзларига буюрармикин? Чунки топганларини ўзларидан ҳам қизғаниб яшашади-да! Айтайлик, чиройли пиёла ва чойнагини ясатиб қўйиб, чети учган, қийшиқ идишларда чой ичишади, таом ейишади. Чиройли кўйлакларининг эскириб қолишидан қўрқиб, оҳори кетган кийимлар кийишади...

Шу ўринда онамдан эшитган ривоят ёдимга тушди. Эмишки, бир бой одам маҳалладаги тўй-ҳашамлардан қошиқми, чойнак ёки косами ўмариб келишга одатланган экан. Кун келиб бу фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилар чоғи яқинлашибди. Маҳалладошлари у билан ризолик тилашгани киришса, зарҳал идишлар жавонларни тўлдириб тургани ҳолда, бойнинг оғзига чети учган, қачонлардир маҳаллада йўқолган пиёлада сув томизишаётганмиш. Қаранг, оғир кунида унга ўзининг ёмонлиги асқотаётган экан! Аслида-ку, бу синов дунёсида ҳамма бир бирига масъулдир. Қолаверса, қайсидир қувончларимиз аввал чеккан ранжу аламларимиз мукофоти, кулфату ғурбатлар эса билиб-билмай қилган хатоларимиз оқибати экан.

Кимгадир қилган яхшиликларимиз ундан қайтмаса, бошқа бировдан албатта қайтиши бор. Бир воқеани айтиб берай. Набирам билан бозор айланиб, йўловчи машинада уйга келдик. Набирам сумкаларни олибди-ю, бошидан ечиб қўйган қалпоғини машинада қолдирибди. Келиним ачинди, онам олиб берган эди, боламнинг бош кийими қаерларда, кимларда қолади энди, қабилидаги гаплар билан зорланди. Мен эса, сабр қилинг, ҳайдовчининг йўли тушса, албатта ташлаб кетади, дедим.

Кунлар ўтди, набирамни мактабга кузатиб келаётган келиним машинада унутиб қолдирилган қалпоқни кўрсатди. Уни эшигимиз олдидаги дарахтга кимдир илиб кетибди.

Заковатли одамларимиз "Бахил эҳсондан қочар, хасис меҳмондан", "Бахилдан тош сўрагунча, гадойдан ош сўра", "Бахилнинг туйнугидан ел кирмас, эшигидан эл кирмас" каби мақолларни бежиз айтмагандир. Лекин аниқ биламизки, бахил бойимас, сахий камаймас!

**Умида АБДУАЗИМОВА.**

Жиноятга жазо муқаррар

# ҲАРОМГА ЎЧЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ШУ

Машинамга ёқилғи қуйиш учун "Said alo" шахобчасига кирдим. Ўн литр бензинга пул тўладим. Бироқ, қуйилган бензин ҳар доим юрадиган масофамга етмай, тугади. Ҳайрон бўлдим. Наҳотки, машинам бензинни шунча кўп сарфлаётган бўлса? Устага кирдим. Йўқ, ҳаммаси жойида. Аммо, устанинг гапи мени ҳайрон қолдирди. Унинг айтишича, ҳозир ёқилғи қуйиш шахобчаларидагилар ускуналарни ўз фойдаларига ишлайдиган қилиб мослаштириб, мижоздан ёқилғини уриб қолар экан.

Ё тавба. Одамлар бировларнинг ҳақидан қўрқмайдиган бўлиб кетганми? Уриб қолинган бензиндан келган ҳаром-хариш нарсаларни болаларига едиришадими?

Бу воқеа кейинчалик эсимдан чиқиб кетди. Бироқ, шахобча ходимлари устидан бошланган суд жараёнлари ҳақида эшитганимда, яна бир бор "қилмиш-қидирмиш" деган халқ нақли бекорга айтилмаганига ишонч ҳосил қилдим.

Зангиота тумани жиноят ишлари бўйича судида "Said alo" МЧЖ раҳбари Ғайрат Ниёзов ва шахобча оператори Гулчеҳра Шарипова устидан ўтган суд мажлиси баённомасини кузатар эканмиз, ёқилғи пулини тўлаб, ҳақини тўлиқ ололмаганлар сонмингта эканини, бу ҳам етмагандек, давлатга тўланиши лозим бўлган тўловлардан қочиб, яна қанчадан-қанча қинғирликларга қўл урилганига гувоҳ бўлдик.

МЧЖ раҳбари Ғайрат Ниёзов норасмий ишга олинган Гулчеҳра Шарипова билан жиноий тил бириктириб, юзлаб мижозларнинг ҳақига хиёнат қилган. Масалан, Г. Шарипова харидор А. Музаффаровдан 8 минг сўм олиб ёқилғи қуйиб берган. Аммо, пулларни касса аппаратидан ўтказмаган, харидорга чек бермаган. Ўша куни тегишли идора вакиллари шахобчани текширишганда 1 миллион 651 минг сўмдан кўпроқ маблағ касса аппаратидан ўтмагани аниқланди. Боз устига умумий баҳоси 10 миллион 313 минг сўмлик 14 минг 232 литр нефть маҳсулотларининг кирим ҳужжатлари йўқлиги ҳам маълум бўлди.

Бундан ташқари "Ўздавнефтгазинспекция" мутахассислари нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш юзасидан ўтказган текширувларда ҳам бир қатор камчиликлар юзага чиқди. Жумладан, умумий қиймати 60 миллион 751 минг сўмлик нефть маҳсулотлари сотилиб, пули касса аппаратига киритилмаган, изсиз ғойиб бўлган. Яна шахобча ходимлари 223 миллион 900 минг сўмлик ўчоқ ёқилғиси ҳамда 348 миллион 814 минг 650 сўмлик дизель ёқилғисини тарқатиш ускуналари орқали сотишмаган ва савдо қонун-қоидаларини қўпол равишда бузишган.

Шунингдек, "Ўзстандарт" агентлиги вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси мутахассислари "Said alo" МЧЖдаги ёқилғи тарқатиш ускуналари ҳолатини ўрганиб, бензиннинг ҳар 10 литридан 04 литр, дизелдан 08 литрдан уриб қолинаётганини аниқлашди. Натижада мижозларнинг қарийб 11 миллион сўмлик ҳақига хиёнат қилинган.

Судланувчиларнинг қилмишлари бу билан чекланиб қолмаган. Улар яна кўплаб қинғирликларга қўл уриб, давлат ва мижозларнинг минг эмас, миллионлаб пулларини ўзлаштириб юборишган. Хусусан, шахобчанинг ёқилғи тарқатиш ускуналарининг кунлик смена ҳисоботларидаги кўрсаткичлари билан ускуналардаги рақамлар солиштирилганда, катта тафовутлар аниқланди. Маълум бўлишича, 40 миллион 99 минг 320 сўмлик бензин тергов жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсдан нақд пулга сотиб олиниб, харидорларга тарқатилган. Ундан тушган маблағлар эса ҳеч қаерда қайд этилмаган.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, осонгина келган мўмай даромад мазасига ўрганган "Said alo" МЧЖ мутасаддилари яна кўплаб жиноятларга қўл уришди. Бундай қинғир ишларимизни ҳеч ким сезмайди, деган хомхаёл уларни нафснинг турли жирканч кўчаларига бошлайверди. Ҳар бир қинғир ишнинг жавоби борлигини улар унутиб қўйишганди.

Суд ҳукмини ўқир экансиз, уларнинг бундай пуч хаёллари қанчалар қимматга тушганига гувоҳ бўласиз. Энди Ғайрат Ниёзов еганларини 25 миллион 168 минг сўм қилиб қайтарадиган бўлди. Гулчеҳра Шарипова эса 19 миллион 505 минг сўмни жарима сифатида тўлайдиган бўлди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Улар энди маълум муддат раҳбар лавозимларда ишламайдиган бўлишди. Тинчлик, кўнгил хотиржамлиги ва сабр-қаноатнинг қадрини билмаганларнинг қисмати шундай аянчли якун топаётганини ҳаётда кўп учратаяпмиз. Аммо, бу воқеалар кўпларнинг кўзини очиши, тўғри йўлга бошлашига шубҳа йўқ.

**Саид ҒАНИЕВ.**

Бу қизиқ

## МЕҲР – УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Вена университети олимлари яқин кишилар бир-бирини бағрига босиб, меҳр кўрсатиши қон босимини меъёрда сақлайди, деган хулосага келдилар. Оила аъзолари ва яқин қариндошлар қучоқ очиб кўришиб, дийдорлашганда инсон танасида соғлиқ учун фойдали окситоцин – меҳр-муҳаббат гармони ажралади. Окситоциннинг кўпайиши қаттиқ асабланиш ҳолатидан чиқариб, тинчлантиради, бу ўз-ўзидан қон босими меъёрда бўлишини таъминлайди.

## АНОР ЕНГ, ОЗАСИЗ

Анор очлик ҳиссини йўқотиб, ортиқча вазндан халос этади, дея таъкидлашмоқда Шотландиядаги Малика Маргарет университети диетологлари. Мутахассислар бир неча семиз беморни уч ҳафта давомида анор экстрати билан даволадилар. Шу муддат ичида уларда овқат истеъмол қилиш 22 фоизга камайди, лекин таомдан кўпроқ лаззатланишгани қайд этилди. Шунингдек, очлик ҳисси 12 фоизга камайгани аниқланди.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**




## ЎН МИЛЛИОН КИШИ ИШ ТАШЛАДИ

**Ҳиндистонда бошланган икки кунлик умумий иш ташлаш чоғида юз берган тартибсизликлар иштирокчиси сифатида гумон қилинган 65 дан зиёд киши қамоққа олинди.**



Ушбу манифестация фожиа билан бошланди. Ҳиндистон шимолидаги Амбала шаҳри полицияси билан тўқнашувда касаба уюшмаси етакчиси ҳалок бўлди. Уни автобус босиб кетди. Ҳайдовчи эса ғойиб бўлди.

Иш ташлашнинг биринчи куни Касаба уюшмалари Бутунҳиндистон конгресси, Ҳиндистон касаба уюшмалари миллий конгресси, Ҳиндистон касаба уюшмалари маркази каби 11 та йирик ташкилот вакиллари иштирок этди. Улар маъмурларнинг мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, шу жумладан, дизель ёнилғиси нархини ошириш, чет эл компаниялари учун улгуржи савдо бозорини очишга қарши норозилик билдирдилар, шунингдек, инфляцияни пасайтириш учун амалий қадамлар қўйиш ва янги иш ўринлари очишни талаб қилдилар.

Икки кунлик иш ташлаш акциясида 10 миллионга яқин киши иштирок этгани тахмин қилинмоқда.

## ЎЛИМЛАРИНИ КУТИБ ЁТИШИБДИ

**Японияда 3 нафар маҳбус устидан чиқарилган ўлим жазоси ижро этилди.**

Бу ўтган йилнинг сентябридан буён олий жазога ҳукм қилинганлар устидан биринчи ижро эди. Шунингдек, Синдзо Абэ Япония бош вазири лавозимини эгаллаганидан сўнг биринчи қатл маросими ҳамдир. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, Абэ ўтган йилнинг декабридан мамлакатга раҳбарлик қилмоқда. Ҳозир Японияда олий жазога ҳукм қилинган 137 киши ўз ўлимини кутиб ётибди. Ўтган йили мамлакатда 7 нафар шундай маҳбус қатл этилганди.

## ШАҲЗОДА ЖАРОҲАТЛАНДИ

**Бельгия қироли Альберт Иккинчининг кенжа ўғли Лоран Австралиянинг Терол шаҳридаги курортда чанғи учаётган пайтида жароҳат олди.**

Шаҳзода тоғ-чанғи трассаси бўйлаб пастга тушиб келаётганида бошқа чанғичи билан тўқнашиб кетиб, кичик жароҳатлар олди. Шифохонада у билан бирга бўлган шахсий адвокати Пьер Легро шу ҳақда ҳикоя қилиб берди.

Айнан бир йил илгари, яъни 2012 йилнинг 17 февралида Австриянинг Альп тоғларида Нидерландия қироллиги оиласи аъзоси ҳам ҳалокатга учраган эди. Ўшанда шаҳзода Йоҳан Фрисо қор кўчкиси остида қолганди. То қутқарувчилар етиб келиб, уни халос этгунларича, 20 дақиқадан кўпроқ вақт кўчки остида ётганди.

## 102 ЁШИДА ЧЕКИШДАН ВОЗ КЕЧДИ

**Буюк Британия фуқароси Клара Коуэлл 102 ёшга тўлиши арафасида чекишни ташлашга қарор қилди.**

Инглиз аёли 1931 йилда чекишни бошлаган эди. Ўшандан буён қарийб 60 минг дона сигарет чекди. 102 ёшга тўлишига икки ҳафта қолганда эса ҳаёт тарзини ўзгартиришга ва зарарли одат бўлган чекишдан воз кечишга аҳд қилди. Айтишларига қараганда, у соғлиғини ўйлаб бундай қарорга келгани йўқ. Шунчаки, унинг қариндошлари кекса кампир чекаётган пайтда сигаретдан учқун тушиб, ёнғин юз бериши мумкинлигидан хавотир олганлар холос.

2010 йилнинг августида Лондонда Буюк Британиянинг энг қари кашандаларидан бири Винне Лэнгли исмли аёл 102 ёшида вафот этганди. У шу узоқ умри давомида 170 мингдан зиёд сигарет чеккан.




**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Реклама




## ЭЪЛОНЛАР

Яккасарой тумани инспекцияси томонидан 2012 йил 12 декабрдаги 006965-11-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "ELEKTRO MASTER STROY" (СТИР 302438100) масъулияти чекланган жамиятининг Гувоҳномаси ҳамда Таъсис ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"MARGARIN KLASS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 66.000.000 сўмдан 15.000.000 сўмга камайтирилади.

"NIKA-MAKS SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 300.000.000 сўмдан 25.000.000 сўмга камайтирилади.

ООО "RENT AGRO" уменьшает размер уставного фонда с 402000000 (четыреста два миллиона) сумм на 385.561.617,59 (триста восемьдесят пять миллионов пятьсот шестьдесят одна тысяча шестьсот семнадцать) сумм 59 тийин.

Мирзо Улуғбек ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BOLALAR SPORTI VA SOG`LOMLASHTIRISH MAJMUASI" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди камайганлигини маълум қиламиз. Аввал устав фонди 820 162 000 (саккиз юз йигирма миллион бир юз олтмиш икки минг) сўм бўлган бўлса ҳозирги кунда 415 722 000 (тўрт юз ўн беш миллион етти юз йигирма икки минг) сўм бўлади.

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 18.04.2003 йилда гувоҳнома рақами 000760 билан (ИНН 204511978) рўйхатдан ўтган "IRODA-BIZNES" хусусий корхонасининг гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 06.09.2011 йилда гувоҳнома рақами № 0513524 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Исаева Наргиза Хусановна"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 17.04.2012 йилда гувоҳнома рақами № 0902728 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Юлдашев Дилшод Анварович"га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиоту тумани ҳокимлиги томонидан "ABDUSAMAT FAYZ OSHYONI" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "ABDUSAMAT FAYZ OSHYONI" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

"ABDUSAMAT FAYZ OSHYONI" масъулияти чекланган жамияти "ABDUSAMAT FAYZ OSHYONI" хусусий корхонасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари вориси ҳисобланади.

Утерянную круглую печать ТЧСЖ "KUTARMA-TO`RTINCHI", зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента по адресу: Чиланзар-10,15,1, выданную разрешительным отделом Чиланзарского РОВД,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6503. Адади 16 691. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40.